

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1438-ҳадис

Үн олтинчи дарс

Жума куни ва унинг намозининг фазилати ҳамда ушбу кунда ғусл килиш ва хушбўй нарса суртишнинг фазилати

1. «Қүёш чиққан куннинг энг яхшиси жума кунидир. Унда Одам халқ қилинди. Унда у жаннатга киритилди. Унда у жаннатдан чиқарилди . Ким таҳорат олиб, уни чиройли тарзда адо қилса, кейин жумага келиб, ваъзга жим қулоқ тутиб турса, икки жума ўртасидаги ва яна уч кунни қўшиб, ҳаммаси бўлиб, ўн кун ичидаги гуноҳи кечирилади. Ким хутба пайтида майдо тошларни ушласа, бефойда (лағв) ишни бажарибди. Қавмлар жумаларни тарқ қилишдан тўхтарлар. Ёки Аллоҳ уларнинг қалбларига муҳр уриб қўяди. Сўнгра ғофиллардан бўлиб қоладилар», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.



NUBUVVAT MARVARIDLARI